



Савол:

Московдан олиб келинган молларини Московнинг моллари деб сотиш мумкинми, агар у моллар аслида Чиннинг моллари бўлса, этикеткаларига ҳам Москов деб ёзганлар? Ва (агар савдо қилиш мумкин бўлмаса) мана шундай тариқада, яъни шу молларни МОСКОВнинг моллари деб савдо қилаётган кишилардан қарз олиш мумкинми?

Жавоб:

Сиз айтган ҳолда савдо қилиб бўлмайди, у ёлғон гапириш ва алдашдир, исломда нафақат мусулмонни балки зиммий кофирни ҳам бу каби ишларда алдаб бўлмайди. Алдов ва хиёнат гуноҳи кабиралардан бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан безорлик эълон қилганлар: «Ким бизни алдаса, у биздан эмас». Бир лафзда: «Ким алдаса, у мендан эмас» (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бизга хиёнат қилса, у биздан эмас. Макр ва алдов дўзахдадир» (Ибн Ҳиббон, Табароний, Абу Нуъайм ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1058).

Қарз олишга келсак, биз у одамнинг ҳамма моли шу каби йўллар билан топилганлигига амин бўлмасак, унинг молининг ҳаммасини ҳаром деб жазм қила олмаймиз, шу ҳолатда унинг молидан қарз олса бўлаверади. Акс ҳолда олмаган яхши.